

ТЕМИР ЙЎЛ ЁҚАСИНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ВА УНДАГИ ЯШИЛ ХУДУДЛАР

Бабакандов Отабек Нуритдинович, Тоштемиров Бобур Рованович

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

ARTICLE INFO.

Ключевые слова:

Темир йўл, ландшафт, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, яшил ҳудудлар, бута ва ўсимликлар.

Аннотация

Ушбу мақолада темир йўл ёқаси бўйлаб ландшафт ташкиллаштириш, бу ҳудудларни кўкаламзорлаштириш-ободонлаштириш масалалари ҳақида, бундан ташқари, шаҳар-туман-вилоятларга кириш белгиси ўрнатилиши борасида таклифлар келтирилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорларида аҳоли яшаш ҳудудларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўкаламзорлаш-тиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири инсон ҳаёти учун соғлом ва тўлақонли эстетик табиий муҳит яратишдир. Бу маънода кўкаламзорлаш-тириш соҳаси ландшафтли қурилиш ва ландшафт архитектураси билан ҳамкорликда фаолият юритади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сон қарори билан “Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари” тасдиқланган, 2013 йил 13 августдаги 223-сон қарори билан эса “Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш Дастури” қабул қилинган ва унда белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Тошкент-Самарқанд-Тошкент темир йўллариининг катта қисми бепоён жойларда жойлашган бўлиб, у ерда дарахт ва буталар орқали ободонлаштириш ишлари кўкаламзорлаштиришнинг асосий тури ҳисобланади. Айниқса, шамоллардан ва улар билан боғлиқ ёғингарчиликлардан, қум ва чанг таъсирларидан, ҳароратнинг кескин ўзгариши, куёш нурлари ва бошқалардан ҳимоя қилиш учун зарурдир. Ўрмон плантацияларини ишлатиш бўйича кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, улар йўллари хар хил салбий ҳолатлар ва тажовузкор табиий омиллардан ҳимоя қилишнинг энг ишончли ва бардошли воситасидир.

Яшил ҳудудлар темир йўл ва тузилмаларнинг табиий ландшафтини жуда кескин тарзда ўзгартириб юборади. Яланғоч майдонлар, турли турар жойлар ва хизмат биноларнинг турли кўринишлари кўпинча ёқимсиз бўлади. Ободонлаштириш учун тез ўсадиган дарахт кўчатларидан фойдаланиш янги инновацион йўналишдир. Бу бизга қисқа вақт ичида ижобий натижаларга эришишга имкон беради (максимал 3 йил давомида 3 метрли дарахтлар) ва

молиявий ресурсларни сезиларли даражада тежашни таъминлайди. Ушбу кўчатларнинг тез ўсиши, темир йўл ёқаларини ободонлаштириш учун қулай ҳисобланади ва биз атиги икки-уч йилда натижани кўришимиз мумкин. Темир йўллар бўйлаб тез ўсадиган дарахтларни экиш қисқа вақт ичида қуйидаги бир қатор вазифаларни ҳал қиладиган замонавий ва ишончли усулга айланиши мумкин:

1. Қор, қум ва чанг ва шамоллардан ҳимоя қилиш;
2. Темир йўлларни юқори ҳарорат ўзгаришидан ҳимоя қилувчи сояли жойларни яратиш;
3. Худуднинг табиий ландшафтини ва эстетик гўзаллигини максимал даражада сақлаш.

Дарахт-бута ўсимликлари нафақат хомашё ва турли маҳсулотлар манбаи, балки табиий муҳитни яхшиловчи асосий омиллардан биридир. Тез ўсувчи дарахт турларидан терак турлари, павлония, оққайин, толлар, айникса, мажнунтол, жанубий вилоятлар учун эса софора, оқ акация, бундук, айлант, заранг, чинор ва бошқалар диққатга сазовордир. Темир йўллар атрофини безатишда, кўкаламзорлаштиришда кўпгина манзарали шаклга эга бўлган: пирамидасимон, шарсимон, шохлари осилиб турувчи (мажнунтолсимон), спиралсимон, устунсимон шаклга эга нинабаргли ва япроқбаргли дарахтлар катта аҳамиятга эга [1].

Шамшод кичикроқ дарахт ёки бута ҳисобланади. Пўстлоғи силлиқ, кулранг-яшил. Новдаси 4 қиррали, яшил рангда. Барглари доим яшил, қалин пўстли, чети текис, калта бандли бўлиб, новдада доира шаклида жойлашади. Шамшод ўсимлиги март-апрель ойларида гуллайди. Меваси август-сентябрь ойларида етилади. У кўсак шаклида бўлиб, учи томонида устунчалар қолдигидан ҳосил бўлган учта шохчаси бор, етилганда уч паллага ажралади. Кўкаламзорлаштириш соҳасида асосан доим яшил шамшод ўстирилади. У Ўрта ер денгизи атрофидаги худудларда тарқалган, Ўзбекистонда аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш мақсадида кўплаб экилади. Шамшоднинг ҳамма турлари деярли соясевар ўсимлик ҳисобланади. Шамшод жонли девор яратишда жуда қўл келадиган ўсимлик. Ландшафт қурилишида партерда, жонли девор яратишда фойдаланиш тавсия этилади. Топиар яратишда шамшоддан кенг фойдаланилади.

Павловния Павловниялар оиласига мансуб бўлиб, унинг ватани Жанубий ва Шарқий Осиё ҳисобланади. Ушбу дарахт Япония ва Хитойда кенг тарқалган бўлса-да, Европада, Шимолий ва Шарқий Америкада, Австралияда ва бошқа китъаларда Павловния плантацияларини учратиш мумкин. Павловния жуда тез ўсади, баргларининг катталиги 100 см гача бўлади, гуллари турли рангда товланувчи кўнғироқчаларни эслатади, уларнинг ҳиди жуда хушбуй бўлади. Павловния март-апрель ойларида гуллайди, гули бир ярим ой давомида туради. Барглари жуда катта, кенг юрак шаклида, банди узун, қарама-қарши жойлашган. Барглари май ойида ёзилади ва биринчи совуқ бошланиши билан тўкилади [2].

Инсон ва табиат тақдири бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ҳаво тоза, унинг таркибида кислород миқдори етарли даражада бўлса, инсон узоқ умр кўради. Бунинг учун эса муҳофазаланадиган табиий худудларни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Қум, чанг-тўзон, шамолга қарши курашда темир йўллар атрофлари ўсимликлар, яъни, дарахт ва буталарни экиш орқали тўғри ечим топдилар. Қизилқум ва Қорақум чўллари кесиб ўтган Ўрта Осиё ва Астрахан йўли темир йўл атрофидаги қумларни ўсимликлар билан маҳкамлагандан кейингина ижобий таъсир сезила бошлади. Судан, Жазоир, Япония, Шимолий Америка, Жанубий Америка, Австралия ва Эронда (янги Транс-Эрон йўли) темир йўл ишчилари бу борада катта тажрибага егадилар. Германияда кўкаламзорлаштириш даврида, улар темир йўл томонидан ўзгартирилган табиий ландшафтни қайта тиклашга интилишади. Шунга ўхшаш ғоялар кўшма штатларда ва бошқа мамлакатлар орасида мавжуд.

Ҳар бир алоҳида худудга, туманга, вилоятга ва аҳоли яшаш жойга киришда кўпчилигимиз ушбу

худуд номи келтирилган композиция (стела)га эътибор қаратамиз - бу жой ёки минтақа номини ўз ичига олган меъморий композиция, шунингдек ушбу жойнинг фаолияти ёки маданияти билан бевосита боғлиқ элементлар ва тафсилотлардан иборат бўлади.

Тошкент Самарқанд Тошкент йўналиши, 84-107 пикетлар оралиғи. Сирдарё вилояти	Тошкент Самарқанд Тошкент йўналиши, 84-107 пикетлар оралиғи. Сирдарё вилояти	Тошкент Самарқанд Тошкент йўналиши, 84- 107 пикетлар оралиғи. Сирдарё вилояти

Ҳар қандай нотаниш шаҳарга киришда, биз йўлда дуч келадиган биринчи нарса кириш белгиси бўлиб, у нафақат эстетик жиҳатдан жозибали элемент, балки шаҳар ҳақида маълум маълумотларни тақдим этадиган ўзига хос ахборот қалқони сифатида ҳам хизмат қилади.

Сирдарё вилоятига кириш	Сирдарё вилоятига кириш	Гулистонга кириш

Ҳар бир худудга кириш белгисининг меъморий ечими шундай қурилган бўлиши керакки, у шаҳарга кириш томондан ҳам, ундан чиқиш томондан ҳам ҳажмий фазовий композиция тамойилларига мувофиқ, яъни олд ва орқа жабҳалар яхши ишланган бўлиши талаб қилинади.

Таклиф лойиҳа	Таклиф лойиҳа	Таклиф лойиҳа

Бадий ва эстетик жиҳатдан бажарилган кириш белгиси нафақат ушбу худуднинг номи ҳақида маълумот беради, балки тарих ва замонавийлик, аҳолининг характери ва касблари ҳақида ҳаёлий ҳиссий маълумотларни беради, шунингдек маълум даражада унинг раҳбарларини, уларнинг ватанпарварлигини, бадий дидини ва иқтисодиётини тавсифлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Манзарали дарахт-бута ўсимликлар [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 136 б. 9-бет.

2. Манзарали дарахт-бута ўсимликлар [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 136 б. 53-бет.
3. Мартышова Л. С. АРХИТЕКТУРНЫЕ АНСАМБЛИ КАК СТРУКТУРА: «ПРОСТРАНСТВЕННАЯ КОМПОЗИЦИЯ-СИЛУЭТ» //Иновационная наука, образование, производство и транспорт: экономика, менеджмент, география и геология, сельское хозяйство, архитектура и строительство, медицина и фармацевтика. – 2018. – С. 112-123.
4. https://re-port.ru/pressreleases/ozelenenie_vdol_zheleznyh_dorog/